

Сийрат дарслари (97-дарс). Қуръонни кўп биладиганлар



14:00 / 07.08.2020 3527

395. Ҳишом ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Уҳуд куни Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳар бир одамга (гўр) қазиш қийин», дедик. **«Қазинглар, чуқур қилинглар, кенг қилинглар, икки, уч кишини бир қабрга қўйинглар»**, дедилар. «Қайсинисини олдин қўямиз, эй Аллоҳнинг Расули? дедик. **«Қуръонни кўп биладиганни»**, дедилар». Отам бир қабрга қўйилган уч кишининг учинчиси эди».

Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

396. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудда қатл бўлганлардан икки кишини бир кийимга жамлар эдилар. Сўнгра: **«Икковидан қай бири Қуръонни кўп билади?»** дер эдилар. Улардан бирига ишора қилинса, ўшани лаҳадга олдин қўяр эдилар. У зот: **«Буларга Қиёмат куни мен гувоҳман»**, дедилар. Уларни қонлари билан дағн қилишга буюрдилар. Ювилмадилар ҳам, уларга намоз ҳам ўқилмади».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

397. Абдуллоҳ ибн Саълаба розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уларни қонлари билан ўранглар. Чунки Аллоҳ йўлида етган жароҳат Қиёмат куни қон оққан ҳолда келади. Ранги қон рангида, ҳиди мушк ҳидида бўлади**», дедилар».

Насоий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан